БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 150 (19.226). • 1985 йил 3 июль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси иш бошлади



МОСКВА. Кремль. 1985 йил 2 июль. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Буюк Советлар давлатининг ҳамма жойида амалий ишчанлик муҳити, ижодий изланиш ва бунёдкорлик вазияти ҳукм сурмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларида, фан-техника тараққиётини тезлаштириш масалаларига бағишлаб партия Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида олға сурилган кенг миқёсли вазифалар барча совет кишиларида янада самарали ишлашга интилиш, социалистик экономикани сифат жиҳатидан ўстириш, уни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, энг муҳим стратегик йўналишларда тез олға силжишини таъминлаш иштиёкини кучайтириб юборди.

КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленумида халқ депутатлари Советларининг фаолиятини сабот билан такомиллаштириш, жамиятимиз сиёсий системасининг ҳар бир бўғинини ўз вазифаларини аниқ бажариши, партиянинг раҳбарлик ролини янада ошириш, унинг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш ҳамма соҳаларига таъсирини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Талабчанликни ошириш, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, хўжаликни юритиш методларини кескин яхшилаш юзасидан партия ўтказаётган йўл ҳамма жойда маъқулланиб, якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Совет меҳнатчилари ўз олдиларида турган вазифани эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб бориб, коммунистик бунёдкорлик йўлида янада илгари, янги марраларга интилишдан, КПСС XXVII съездига муносиб тайёргарлик кўришдан иборат деб билмоқдалар, ҳокимият органларидаги ўзларининг мухтор вакиллари бўлган депутатларга ҳам шундай наказ бермоқдалар.

СССР Олий Советининг депутатлари мамлакат давлат ҳокимияти олий органи учинчи сессиясига халқ ишончини юксак қадрлаб, катта масъулият туйғусини чуқур ҳис этган ҳолда тўпландилар. Сессия 2 июль куни соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Мажлисни Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** очди. Депутатлар якдиллик билан сессиянинг кун тартиби ва унинг иш тартибини тасдиқладилар.

Сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР Олий Совети Президиумининг Раисини сайлаш тўғрисида.

2. СССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

3. Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонун талабларига риоя этилиши ҳақида.

4. СССР Прокуратурасининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги совет қонунлари талаблари ижро этилиши устидан назорат қилиш соҳасидаги фаолияти ҳақида СССР Бош прокурорининг ҳисоботи.

5. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, депутат **М. С. Горбачевга** сўз берилади.

Депутат М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

Биз СССР Олий Совети Президиумининг Раисини сайлашимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленуми бу масалани муҳокама қилди.

Сизларга маълумки, 1977 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари айни вақтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимини эгаллаб келди. Ўша вақт шароитида партия ва давлатдаги олий лавозимларни бир киши бажариши ўзини оқлаганлигини айтиш керак. Ўтган даврнинг ичида СССР Олий Советининг қонун чиқарувчилик ва бошқа фаолияти активлашди, жойлардаги Советларнинг иши яхшиланди, бошқарув органлари устидан контроллик кучайди.

Шу билан бирга Марказий Комитет ҳозир олдимизда пайдо бўлаётган янги вазифаларнинг ҳал этилиши партия ва давлат фаолиятининг мазмунига ҳам, шунингдек форма ва методларига ҳам, марказдаги ва жойлардаги кадрларни жойлаштиришга ҳам ўзгартиш киритилишини талаб қилаётганини эътиборга олди.

Мамлакат ҳозир масъулиятли даврни бошдан кечирмоқда. Биз яқин вақт ичидаги ва олис истиқболдаги стратегик йўлни белгилаб олямиз, партиянинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасини ишлаб чиқяпмиз, уни КПСС XXVII съезди қабул қилади. Бизнинг олдимизда муҳим вазифаларнинг бутун бир комплекси пайдо бўлмоқда. Бу вазифаларни сиз яхши биласиз. Бу вазифалар экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишдан, ишлаб чиқариш структурасини қайта қуришдан, меҳнатни бошқариш, ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларини жорий этишдан, совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишдан, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдан иборат.

Энди, биз ўз истиқболларимизни яхшироқ кўриб турган бир пайтда ташкилотчилик иши, совет сиёсий системаси барча бўғинларининг фаолиятини кучайтириш, оммани ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини янада мустаҳкамлашни тақозо этади, КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг иши интенсивлигини оширишни талаб қилади.

Мана шу конкрет шароитларда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳозирги босқич вазифаларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бутун диққат-эътиборини белгиланган йўлни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида партия марказий органларининг ишини ташкил этишга, барча партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштиришга имкони борича кўпроқ қаратишини мақсадга мувофиқ деб топди.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Олий Советнинг партия группаси ўртоқ Андрей Андреевич Громикони СССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари томонидан қўллаб-қувватланган таклифни сизларнинг муҳокамангизга киритишни менга топширдилар.

Андрей Андреевичнинг номи мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам яхши маълум. Таниқли сиёсий арбоб, партиямизнинг кекса аъзоларидан бири А. А. Громико ички ва ташқи сиёсатимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга қатта ҳисса қўшмоқда. У чуқур билимни ва ҳар томонлама тажрибани биз ишлаб чиққан йўлни ўтказишдаги принципиаллик ва изчиллик билан бирга қўшиб олиб бормоқда. Унинг Совет давлати ташқи сиёсий йўлини амалга оширишдаги хизматларини партия билан халқ юксак баҳолайдилар. Андрей Андреевич Громико СССР Олий Совети Президиумининг ишига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни муносиб бажаради, деб ҳисоблаш учун бизда ҳамма асослар бор, деб ўйлайман.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми кўрсатиб ўтганидек, партия бундан буён ҳам Олий Советнинг фаолиятини активлаштириш, Советларнинг ролини ошириш ва ҳар бир областдаги, ҳар бир шаҳар ҳамда қишлоқдаги ишларнинг ҳолати учун уларнинг масъулиятини кучайтириш йўлини ўтказаверади. Улар давлат қарорларини қабул қилиш, уларнинг ижросини ташкил этиш, қарорларнинг турмушга татбиқ этилиши устидан контроллик қилиш вазифаларини узвий равишда бирга қўшишлари лозим.

Барча поғоналардаги Советлар ўз ҳуқуқларидан анча тўлиқ ва изчил фойдаланишлари лозимлигини қайта-қайта таъкидлаяпмиз. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳалари уларнинг диққат-марказида туриши керак. Ҳозир меҳнаткашларнинг хилма-хил талаб ва эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Советлар Озиқ-овқат программасини бажариш учун, ҳар бир республика, ўлка, область аҳолисини маҳаллий имкониятлар ва резервларни ишга солиш ҳисобига яхшироқ таъминлаш вазифаларини ҳал этиш учун янада кўпроқ иш қилишлари зарур. Саноат корхоналари қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар - уларнинг ҳаммаси халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришларини ташкил этишга Советлар бутун куч билан қўшилишлари муҳимдир. Марказдаги ва жойлардаги Советлар социал проблемаларни ҳал этишга, совет кишиларининг маданий талаб-эҳтиёжларини қондиришга, меҳнаткашларни тарбиялашга янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашлари керак.

Биз мамлакат турмушининг энг муҳим масалаларини муҳокама этиш, бошқарув органлари устидан контроллик қилиш учун СССР Олий Советининг Конституцияда белгилаб қўйилган ваколатлари ва кенг амалий имкониятларидан яхшироқ фойдаланишимиз керак. Олий Совет қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида кўп ишлар вазифаларни ҳал қилиши лозим. Мустаҳкам қонунийлик — социалистик демократиянинг, социал адолат принципига қатъий риоя этилишининг таркибий қисмидир. Сиёсат, экономика, жамият турмушининг бошқа соҳалари масалалари юзасидан кўпдан кўп таклифларни кўтариб чиқаётган, ҳар қандай камчиликларга ўткир назар билан қараётган совет кишиларининг сиёсий активлиги ижтимоий турмушимизни ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ характерлаб турибди. Чинакам демократиянинг намоён бўлиши, биз халқнинг социалистик ўз ўзини бошқариши деб атаётган нарсанинг ифодаси деб мана шуни айтадилар.

Хуллас, Советларнинг ишини яхшилаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасида қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Бу ишда Олий Совет Президиуми, унинг Раисининг роли ҳам салмоқли ва актив бўлиши керак.

Депутат ўртоқлар, мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, қуйидаги қарор лойиҳасини муҳокамангизга ҳавола этаман:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Депутат Андрей Андреевич Громико СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлансин».

Айни вақтда ўртоқ А. А. Громикони СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР ташқи ишлар министри вазифаларидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш таклиф этилади.

* * *

Депутатлар бир овоздан депутат А. А. Громикони СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлайдилар.

Раислик қилувчи депутатлар номидан А. А. Громикони СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланиши муносабати билан сидқидилдан табриклади ҳамда унга Коммунистик партия ва Совет давлати манфаатлари йўлидаги катта ва самарали фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Олий Совет А. А. Громикони СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР ташқи ишлар министри вазифаларидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. А. Громико** нутқ сўзлади.

Депутат А. А. ГРОМИКО нутқи

Депутат ўртоқлар!

Мени СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайлаш тўғрисида таклиф киритиш чоғида менинг шаънимга айтилган эзгу сўзлар учун аввало Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Мен бу сўзларга муносиб иш қилдимми ёки йўқми, буни айтолмайман.

Шу таклиф юзасидан ҳозиргина қабул қилинган қарор мени жуда қаттиқ тўлқинлантирди. Бу қарор менга СССР Олий Совети билдирган зўр ишончнинг белгисидир.

Мамлакатимиз олдида иқтисодий ва социал ривожланиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш соҳасида улуғвор вазифалар турибди.

Халқаро ишларда, ядро уруши хавфини тугатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда Совет Иттифоқининг роли жуда катта.

Ҳам ички ишларга, ҳам ташқи сиёсатга тааллуқли аниқ-равшан вазифалар партиямиз Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумлари қарорларида етарлича тўла ва зўр куч билан белгилаб берилди. Партия билан халқнинг ишончига сазовор бўлган ҳар бир коммунистнинг бурчи бу қарорларнинг бажарилишига кўмаклашишдан ва ўзига билдирилган ишончни шу йўл билан оқлашдан иборат.

Мен янги лавозимда партия олдидаги, мамлакат олдидаги, халқ олдидаги бурчимни шараф билан бажариш учун бутун куч-қувватимни ишга соламан.

Бу гапни мен мазкур олий минбардан туриб коммунист сифатида ва граждан сифатида айтаяпман.

(Давоми иккинчи бетда).

Андрей Андреевич ГРОМИКО

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси

Андрей Андреевич Громико 1909 йилда Белоруссия ССР Гомель область ҳозирги Ветковский районининг Старие Громики қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди, миллати — рус. Маълумоти олий — 1932 йилда экономика институтини, сўнгра Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасини битирган. 1936—1939 йилларда СССР Фанлар академияси Экономика институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлади ва илмий секретарь вазифасини бажарди. Иқтисод фанлари доктори. Илмий асарлари бор.

1939 йилдан бошлаб Андрей Андреевич Громико дипломатия ишига ўтади. СССРнинг АҚШдаги элчихонаси маслаҳатчиси, 1943—1946 йилларда СССРнинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси ҳамда ўриндошлик асосида СССРнинг Куба Республикасидаги элчиси бўлди. Шундан кейинги йилларда — СССРнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги доимий вакили ва айни вақтда ташқи ишлар министрининг ўринбосари, СССРнинг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлади.

1957 йил февралидан А. А. Громико — СССР ташқи ишлар министри, 1983 йилдан — СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри.

А. А. Громико — 1931 йилдан КПСС аъзоси. КПСС XIX съездида Марказий Комитет аъзолигига кандидат, XX, XXII—XXVI съездларда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1973 йил апрелидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Андрей Андреевич Громико — иккинчи, бешинчи ва шундан кейинги ҳамма чақириқлар СССР Олий Советининг депутати. РСФСР Олий Советининг депутати.

Ватан олдидаги хизматлари учун А. А. Громикога икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. У кўпгина орден ва медаллар билан мукофотланган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ М. С. ГОРБАЧЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Михаил Сергеевич **Горбачев** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ А. А. ГРОМИКОНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Андрей Андреевич **Громико** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари
В. КУЗНЕЦОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат З. Н. НУРИЕВ доклади

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг материаллари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб партия Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда ўртоқ М. С. Горбачевнинг доклади ишларнинг ҳозирги аҳволига баҳо беришда ва тараққиётимизнинг туб проблемаларини белгилашда ижодий, новаторчасига ёндашилгани билан ажралиб туради. Пленум материаллари ва докладни партия билан халқ ғоят кенг кўламда маъқуллаб қўллаб-қувватлади, улар совет кишиларини зарбдор бунёдкорлик меҳнатига йўналтирди.

Барча бошқарув органлари, корхоналар ва ташкилотлар, колхоз ва совхозлар эндиликда ички резервларни ишлаб чиқаришга яна ҳам тўлиқроқ жалб этиш, интизом ва тартибни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, ишчанликни ривожлантириш ва масъулиятни ошириш мақсадларини кўзламоқдалар.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонун талабларига риоя этилиши ҳақида ҳукумат ушбу сессияга тақдим этган масалани айни шу нуқтан-назардан кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Совет ҳокимиятининг тонгидаёқ В. И. Ленин табиатга ва унинг ресурсларига нисбатан социалистик муносабатларнинг негизларига асос солган эди. Совет давлати унинг васиятларига амал қилиб, жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш учун кўп иш қилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилган саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясидан кейин ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер ости бойликлари тўғрисидаги Қонун Асослари, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ўрмон тўғрисидаги Қонун Асослари, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳақида»ги СССР қонуни ҳамда бошқа бир қанча актлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. 1981 йилда СССР Министрлар Совети Президиумининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияси ўз фаолиятини бошлади. Ўн иттифоқдош республикада худди шундай комиссиялар тузилди. Бу комиссиялар ССР Иттифоқи Олий Совети палаталарининг ҳамда иттифоқдош республикалар Олий Советларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиялари билан қалин ҳамкорликда ишламоқдалар.

Умуман, маълумки бизда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини СССР Конституцияси белгилаб беради. СССР Министрлар Совети бу соҳадаги фаолиятни ташкил этишни яхшилаш борасида қатъият билан иш олиб бормоқда. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари давлат планининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Кейинги тўққиз йил мобайнида шу мақсадларга салкам 63 миллиард сўм маблағ фойдаланилди.

Айланма ва такрорий сув таъминоти системалари халқ хўжалигига кенг жорий этилиши бир йилда салкам 240 куб километр ҳажмидаги тоза сувни тежаб қолиш имконини берди, бу эса Волга дарёсининг ўртача йиллик оқимига деярли тенгдир. Бўлганган оқинди сувларни ташлаш учдан бир ҳисса камайди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш натижасида доимий манбалар чиқараётган зарарли моддалар миқдори 13 процент камайди. Москва, Ленинград, Киев, Минск, Рига ва бошқа шаҳарларда ҳаво хавзасининг ҳолати яхшиланди.

Ер тўғрисидаги Қонун Асослари ҳамда партия ва ҳукуматнинг бир қанча қарорлари қабул қилингандан кейин қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлашга кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлмаган эҳтиёжлар учун ажратиладиган унумдор экин майдонлари қисқартирилди. Яроқсиз ҳолдаги ерларни қайтадан экинзорга айлантириш йўли билан халқ хўжалигига бир миллион гектардан кўпроқ қишлоқ хўжалик экинзори қайтарилди.

Эрозияга қарши агротехника тадбирлари ҳажми ортиб бормоқда. 1984 йилда салкам 52 миллион гектар майдонда тупроқ ағдармай ҳайдалди, 28 миллион гектар ердаги қияликларда тупроққа кўндалангига ва энламасига ишлов берилди.

Ихота дарахтзорлари тобора ривожлантирилмоқда. Бизда ўрмонлар 811 миллион гектар майдони эгаллаган. Бу — жаҳондаги барча ўрмон ресурсларининг 24 процентини ва игнабаргли дарахт запасларининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Кўрилган тадбирлар туфайли Совет Иттифоқи ўрмонларни тиклаш ишлари ҳажми юзасидан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳар йили 1,1 миллион гектар майдонда қўлбола ўрмон барпо этилмоқда. Ўрмоннинг ихота, сувдан мухофаза қилиш, санитария-гигиена ва соғломлаштириш вазифаларини кучайтириш, қўриқхона ишларини авж олдириш соҳасидаги ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги тўққиз йил ичидагина қўриқхоналар майдони деярли икки баравар кўпайди, 12 та миллий парк барпо этилди.

Еввойи ҳайвонлар ва паррандаларни муҳофаза қилишга, уларнинг сонини сақлашга кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда махсус биотехника тадбирлари 1975 йилги даражадан тўрт баравар кўпроқ ҳажмда амалга оширилмоқда. Мамлакатнинг ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва балиқларни сунъий равишда урчитиб кўпайтириш ишлари ҳажми ортиб бормоқда. СССРнинг соҳил бўйи сувларидаги тирик мавжудот ресурслари ҳамда бошқа ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмлари анча кўпайган, шаҳарлар ва аҳоли сони ўсган бир шароитда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш ишида ижобий силжишларга эришилди.

Партиянинг мамлакат экономикасини интенсив ривожланиш изига жадал ўтказишга қаратилган йўли аввало табиий ресурслардан яна ҳам тежамли ва самарали фойдаланишни талаб қилади. Мазкур проблемалар комплексини КПСС Марказий Комитети бугунги кун талаблари асосида кўриб чиқа туриб бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар мавжудлигини эътироф этиш керак. СССРнинг бир қанча министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан белгиланган план топшириқларини ҳамиша ҳам бажарилмаётганлари йўқ. Бу гап аввало СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига, СССР Қора металлургия министрлиги билан Ҳимия саноати министрлигига таалуқлидир. СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, шунингдек Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ишлари қониқарсиз ўтказмоқдалар. Ўзбекистон ССР-да, Красноярск ўлкасида Иваново, Горький, Ростов областлари ва бошқа баъзи областларда табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳали етарли даражада олиб борилаётгани йўқ. Одатда пудрат министрликлари табиатни муҳофаза қилиш объектларини асосий ишлаб чиқариш иншоотларига қараганда анча секинлик билан қурадилар.

Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги ҳамда бошқа машинасозлик министрликлари ва идоралари чанг ва газдан тозаловчи янада самарали системалар яратиш устида сust ишламоқдалар. СССР Рангли металлургия министрлигининг бир қанча корхоналарида ишларнинг аҳволи яхши эмас, бу корхоналарда металлургия заводларининг чиқинди газларидан олтингугурт ва сульфат кислотаси олишда янги технология жараёнлари секинлик билан жорий этилмоқда.

Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш Давлат комитети тегишли давлат топшириқлари ҳамда белгиланган нормативлар бажарилиши учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга нисбатан талабчанликни ошириши зарур.

Шаҳарлар ва саноат марказларининг ҳаво ҳавзаси машиналардан чиқаётган газлар билан булганаётгани жиддий проблемага айланмоқда. Бироқ, Автомобиль саноати министрлиги ҳамон шундай автомобиллар ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдаки, бундай машиналардан чиқаётган газдаги зарарли моддалар миқдори кўпинча давлат стандарти белгилаган даражадан ошиб кетмоқда. Газ саноати министрлиги, СССРнинг бошқа министрликлари ва идоралари, шунингдек баъзи иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари автомобиль транспортида суюлтирилган ва қисилган газдан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланишни кенгайтириш борасидаги ишларни секинлик билан олиб бормоқдалар.

Ўтган йил охирида СССР Министрлар Совети шаҳарлар ва саноат марказлари ҳаво ҳавзалари булганишининг олдини олишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилган эди. СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ана шу тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари лозим.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда талайгина камчиликлар мавжуд. Чорвачилик комплекслари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектларининг оқинди сувлари тобора жиддий булганиш манбаи бўлиб қолмоқда. Республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда чорвачилик объектларига эга бўлган бошқа министрликлар оқинди сувларни тозалашни ва ҳосил бўлган чиқитлардан фойдаланишни ташкил этишлари керак. Кичик дарёлар ва сув омборларининг қулай сув режимини сақлаб туриш учун эрозияга қарши, мелиорация ўрмонларни тиклаш тадбирлари ҳамда бошқа тадбирларни кенгроқ амалга ошириш ҳам муҳимдир.

Маълумки, СССР сув ресурсларининг запаслари жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Табиат бизга жаҳон аҳамиятидаги дурдонани — Байкал кўлини инъом этган. СССРдаги юза чучук сувнинг 70 процентдан кўпроғи шу кўлда тўпланган бўлиб, бу ғоят катта миллий бойликдир, бинобарин биз уни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун соф ҳолда сақлашимиз керак. Иссиққўл, Севан ва бошқа баъзи кўллар ҳам булганишдан муҳофаза қилишга оид алоҳида чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилади. Ладога ва Онега кўлларининг сув ресурсларини муҳофаза қилишга ҳам кўпроқ эътибор бериш зарур.

Мамлакатимизда сув ресурслари кўп бўлишига қарамай, деб давом қилди З. Н. Нуриев, айрим регионларда сув тақчиллиги фактларига дуч келинмоқда. Бу эса бизнинг зиммамизга сувни тежаб-тергаб сарфлаш, ундан оқилона фойдаланиши учун барча сув истеъмолчиларининг масъулиятини ошириш мажбуриятини юклайди.

Қишлоқ хўжалигида кўп сув исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Мамлакатда сув истеъмоли умумий ҳажмининг салкам 60 проценти қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Техникавий жиҳатдан номукаммал суғориш системалари реконструкция қилинишини, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш илғор усуллари жорий этилишини таъминлаш, ҳар бир куб метр сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларботқоқлашуви ва шўр босишининг олдини олиш зарур.

Халқ хўжалиги эҳтиёжларига кўпроқ сув олинаётгани, гидротехника иншоотлари барпо этилаётгани, сув хавзаларининг булганаётгани балиқ запасларига катта зиён етказмоқда.

Етарлича асосланмаган хўжалик қарорлари кўпинча жониворлар яшаш муҳитининг кескин ёмонлашувига ва натижада уларнинг сони анча камайиб кетишига олиб келади. Ўғринча ов қилиш табиатга жиддий зарар етказмоқда.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Балиқ хўжалиги министрлиги, Ички ишлар министрлиги ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва урчитиб кўпайтиришга қаратилган қўшимча чораларни кўришлари зарур.

Сўнгра докладда қайд этиб ўтилдики, ҳозирги вақтда Ер ресурсларини янада аваллаб асраш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда Ер тўғрисидаги Қонун Асосларининг талабларига қатъий риоя этиш ҳақидаги масала жуда ўткир бўлиб турибди. Ҳозир мамлакатда экин экиш учун яроқсиз бўлиб қолган 2 миллион гектардан кўпроқ ер бор. Айни вақтда баъзи министрликлар шу ерларни яна экин экиладиган ҳолга келтириш масалаларига тегишлича эътибор бермаяптилар. Жамоат мулкини бузганлик, давлатга зарар етказганлик учун қанчалик қаттиқ талабчанлик қилинаётган бўлса ерга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлик учун ҳам худди шундай қаттиқ талаб қилиш вақти келди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари ва минерал ўғитларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланишда ҳамон камчиликларга йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши курашда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини кенг қўлланиш лозим. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Микробиология саноати бош бошқармаси келгусида химиявий воситалар қўлланилишини иложи борича камайтириш мақсадида биологик воситалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари зарур.

Кейинги йилларда айрим иттифоқдош республикаларда далаларнинг атрофидаги ихота дарахтзорларини барпо этиш суръатлари асоссиз равишда пасайтириб юборилди. Ўрмон ресурсларидан ҳали ҳамма жойда ҳам омилкорлик билан фойдаланилмаяпти, деб бўлмайди. Ёғоч тайёрлаш техникаси ва ишлаб чиқариш жараёнлари технологияси ҳали замонавий талабларга мос келаётгани йўқ. Ёғочдан ва бошқа ўрмон маҳсулотидан чиқитсиз комплекс фойдаланиш методлари ниҳоятда сust жорий этилмоқда.

СССР Олий Совети қабул қилган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер ости бойликлари тўғрисидаги Қонун Асослари», ҳукуматнинг бир нечта қарорлари халқ хўжалигида минерал ресурслардан фойдаланишни анча яхшилашга кўмаклашди. Кўмир, ёнадиган сланец, асбест ва бошқа фойдали қазилма турлари ер остидан тўлиқроқ қазиб олинадиган бўлди. Минерал хомашё қазиб чиқариш ҳамда уни қайта ишлаш техникаси ва технологияси такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга бир қанча фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқариш ва айниқса уларни бойитиш жараёнида уларнинг нобуд бўлиши ҳамон юқори даражададир.

Министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналар, барча раҳбарлар бу масалага муносабатни тубдан ўзгартиришлари зарур. Минерал хом ашёни комплекс қайта ишлашга ҳамда иккиламчи ресурслар ва чиқитларни моддий ишлаб чиқариш соҳасига яна ҳам кенгроқ жалб этишга ўтишни жадаллаштириш лозим.

Ҳар бир тармоқда энг янги илмий, конструкторлик ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўпроқ эътибор берилиши зарур. Машинасозлар машина ва ускуналарнинг техникавий даражасини қисқа муддатларда оширишлари лозим, ана шу машина ва ускуналарни қўлланиш табиий ресурслардан фойдаланишни анча яхшилаш имконини беради.

СССР Госплани ва СССР Госстройи, министрликлар ҳамда идоралар янги корхоналарни жойлаштириш ва эскиларини реконструкция қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари керак. Хом ашёни қазиб чиқариш ва ундан фойдаланиш вақтида комплекс ёндашувга афзаллик бериш лозим.

Бизнинг фанимиз етилган экология проблемаларини ҳал этишда яна ҳам активроқ позицияни тутиши лозим. СССР Фан ва техника давлат комитети, Фанлар академияси, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари асоссиз такрорий ишларга йўл қўймоқдалар, маблағларни кўпдан-кўп бўлинмаларга сочиб юбормоқдалар, бу эса улар фаолияти самарадорлигини пасайтиради.

Биз хўжалик юритиш социалистик планли системаси афзалликларидан тўлиқроқ фойдаланишимиз керак. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини планлаштиришни собитқадамлик билан такомиллаштириш, шу мақсадда инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш муҳимдир.

Амалдаги иқтисодий муносабатлар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда, хом ашёдан комплекс фойдаланишда ва ишлаб чиқариш чиқитларини қўлланишда саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг, қурилишлар ва транспорт ташкилотларининг ҳали тегишли даражадаги манфаатдорлигини юзага келтирмаяпти.

Табиатни муҳофаза қилиш аввало барча совет ва хўжалик органларининг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ташкилотчилиқ иши ҳамма жойда кучайтирилишини тақозо этади. Мактаб ўқувчисидан бошлаб то министргача ҳар бир совет киши бу ишнинг муҳимлигини англаб олиши лозим.

Халқаро ҳамжамият, деди сўнгра докладчи, табиатни муҳофаза қилиш проблемасини ҳақли равишда ҳозир инсоният олдида турган энг муҳим проблемаларнинг бири, деб билмоқда. Бу проблемаларни фақат тинчлик шароитидагина муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Биз шуни тўла асос билан қайд этамизки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тинчлик учун курашда муҳим омил бўлиб қолди. СССР бундай ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда. Чунончи, Совет Иттифоқи табиий муҳитга таъсир ўтказиш воситаларидан ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманлик мақсадида фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббускори бўлди, СССРнинг ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси «Ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ер табиатини сақлаб қолишда давлатларнинг тарихий масъулияти тўғрисида» резолюция қабул қилди.

АҚШнинг айби билан қуролланиш пойгаси тобора авж олаётгани, бундай пойга космосга ёйилаётгани, термоядро урушини чиқариш хавфи кучайиб бораётгани сабабли планетамиз табиатига, ер юзида ҳаётнинг ўзига жуда катта хавф солинмоқда. Бу ҳол бутун ер юзи цивилизациясига ҳалокатли оқибатлар келтирган бўлур эди.

Совет Иттифоқи бундай авантюрачилик йўлига қарши қатъиян курашмоқда. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати изчил тинчликсеварлик сиёсатини сабот билан ўтказиб келмоқдалар. Халқимиз ер абадий гўзал ва ҳаёт жўш урган ҳолда қолишига ишонади.

Мамлакат КПСС XXVII съезди сари бормоқда. Совет кишилари фидокорона меҳнат билан Ватанимиз қудратини оширишга азму қарор бергандирлар. Социалистик ишлаб чиқариш усулининг афзалликлари, ошиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучлар, Ватан фани ва техникасининг ҳозирги даражаси олис истиқболни мўлжаллаб, табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Гап мамлакат миллий бойлигининг энг муҳим қисмига ва совет кишиларининг сихат-саломатлигига ғамхўрлик билан ёндашиш тўғрисида бормоқда. Шу боисдан 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида бу масалага зарур эътибор берилмоқда.

Пировардида докладчи ишонч билдириб айтдики, табиатни муҳофаза қилиш проблемалари СССР Олий Советининг сессиясида муҳокама этилаётганлиги унинг муваффақиятли ҳал этилишига зўр таъсир ўтказади.

(Қарсаклар).

Доклад қисқартириб босилмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ В. П. ОРЛОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Владимир Павлович **Орлов** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Я. Я. ВАГРИСНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Ян Янович **Вагрис** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕНИ СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Эдуард Амвросиевич **Шеварднадзе** СССР ташқи ишлар министри қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВА СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ВАЗИФАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Андрей Андреевич Громико СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР ташқи ишлар министри вазифаларидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ М. А. ЯСНОВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Михаил Алексеевич **Яснов** пенсияга чиққанлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ П. Я. СТРАУТМАНИСНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Петр Якубович **Страутманис** пенсияга чиққанлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Б. Н. ЕЛЬЦИННИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Борис Николаевич **Ельцин** СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 2 июль.

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Боши биринчи бетда).

Сессия СССР Олий Совети Президиуми составига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **Е. К. Лигачевга** сўз берилади. У шундай деди: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлаш тўғрисида Олий Совет партия группаси ва палаталарнинг Оқсоқоллар кенгашлари маъқуллаган таклифни сизнинг муҳокамангизга тақдим этаман.

Маълумки, илгари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиуми составига сайланар эди. Бундай практика ўзини оқламоқда. Бу эса КПССнинг совет жамияти сиёсий системасидаги СССР Конституциясида қонун билан мустаҳкамланган раҳбарлик роли билан боғлиқдир.

Бу мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлни яқдил қўллаб-қувватлаётган бутун совет халқи хоҳиш-иродасининг, шубҳасиз, ифодасидир.

СССР Олий Совети қарорининг қуйидаги лойиҳасини таклиф этишга рухсат бергайсиз:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети депутат Михаил Сергеевич Горбачевни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлаш тўғрисида қарор қилади».

Бу таклиф гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Депутат **М. С. Горбачев**ни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлаш тўғрисидаги қарор яқдиллик билан қабул қилинди.

Сессия депутатлар М. А. Яснов ва П. Я. Страутманис пенсияга чиққанликлари муносабати билан уларни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси депутат **В. И. Воротников**нинг таклифига биноан РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **В. П. Орлов** РСФСРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланади.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Б. К. Пугонинг** таклифига биноан Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Я. Я. Вагрис** Латвия ССРдан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланади.

Б. Н. Ельцин КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан сессия уни СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Тихонов** сўзга чиқди. У шундай деди:

КПСС Марказий Комитетининг топширувига биноан депутат Эдуард Амвросиевич Шеварднадзени ССР Иттифоқи ташқи ишлар министри қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритаман.

Ўртоқ Э. А. Шеварднадзе 1928 йилда туғилган, 1948 йилдан КПСС аъзоси. Партия ва давлат ишларида катта тажрибага эга.

1972 йилдан Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Қарийб ўн йилдан бери КПСС Марказий Комитети составида, 1978 йилдан Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. Кеча Марказий Комитет Пленумида у партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди. Э. А. Шеварднадзе Ватан олдидаги катта хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Партия ва давлат ишларидаги кўп қиррали тажрибаси, партия ишига садоқати, КПСС сиёсатини ўтказишдаги қатъият ва ташаббуси, унга хос бўлган юксак даражадаги билимдонлик ва маданият — буларнинг ҳаммаси Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе СССР ташқи ишлар министри масъул вазифаларини муваффақиятли уддалай олишига ишонч ҳосил қилади.

СССР Олий Совети бир овоздан **Э. А. Шеварднадзе**ни СССР ташқи ишлар министри қилиб тайинлайди.

Олий Совет кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга киришди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **З. Н. Нуриев** «Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонун талабларига риоя этилиши ҳақида» доклад қилди.

Палаталар табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссияларининг қўшимча докладини қилиш учун Иттифоқ Советининг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раиси депутат **С. К. Гроссуга** сўз берилади.

Муҳокама этилаётган масала, деди у, Коммунистик партия фаолиятининг олий мақсади — совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бевосита боғлиқдир. Табиатни муҳофаза қилиш, сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг софлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ердан ва ер ости бойликларидан, сув ва ўрмондан, ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш — инсон, унинг саломатлиги, меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

СССР Министрлар Советининг докладида, деб таъкидлади нотиқ, мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар талабларига риоя қилишнинг ҳар томонлама характеристикаси берилган ва бу борадаги ишларнинг натижалари кўрсатиб ўтилган. Палаталарнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиялари доклад хулосалари ва қоидаларини қўллаб-қувватламоқда. Комиссиялар шу билан бирга бир қанча муҳим проблемаларга тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайди.

Сессияга тайёргарлик чоғида депутатлар мамлакатнинг барча регионларидаги ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқдилар ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳали тўла амалга оширилмаяпти, деган хулосага келдилар.

(Давоми учинчи бетда).

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги талаблар бузилаётганлиги жиддий ташвиш уйғотади. Ер ва сув манбалари заҳарли химикатлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан ҳамон бўлғанмоқда.

Фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги партия талабларини амалга ошириш табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ишида алоҳида аҳамиятга эгадир. СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар кам чиқит ва чиқитсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш босқичларини аниқлаб беришлари, белгиланган тартибдаги зарур норматив актларни тайёрлашлари ва тасдиқлашлари лозим. Табиатни муҳофаза қилишнинг техникавий, иқтисодий ва социал проблемаларини комплекс тадқиқ этишга эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

Комиссиялар табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қурилишларнинг сўръатларини оширилиб, ҳажми кўпайтирилиши зарур деб ҳисоблайди. Хусусан, Азов денгизи, Қора денгиз, Балтика денгизи, Каспий денгизи ва бошқа бир қанча сув ҳавзаларига ифлос оқиндиларни ташлашни тўхтатиш юзасидан директив органлар топшириқларини бажаришдаги қолоқликни тугатишга оид қатъий чоралар кўриш зарур. Министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарни қонунларни қатъий бажаришга ундаб, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда уларнинг масъулиятини ва манфаатдорлигини оширадиган молия-иқтисодий омиллар, рағбатлантириш ва жазо чораларини кўриш зарур.

Сессияга тайёргарлик давомида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ядровий бошқариш системасини барча даражаларда такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар киритилди.

Пировардида С. К. Гроссу комиссиялар мазкур масалани тайёрлашда СССР Министрлар Совети, тегишли министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар билан қалин алоқада бўлиб ишлаганлигини маълум қилди. Комиссияларнинг мулоҳазалари ва таклифлари СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасида ўзининг зарур ифодасини топди. Комиссиялар ана шу мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани маъқуллади.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси тугади.

(ТАСС).

ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 2 июль (ТАСС). «Салют—7» — «Союз — Т — 13» — «Прогресс — 24» илмий тадқиқот комплексининг орбита бўйлаб учиши давом этмоқда.

Ўтган кунларда станцияни бевосита қуршаган атмосфера параметрларини аниқлаш учун «Астра—1» мас-спектрометрик аппаратидан фойдаланган ҳолда бир қанча экспериментлар туркуми бажарилди. Станция ичидаги иссиқликни созлаш системаси билан иш тартибида белгиланган профилактика ишлари ўтказилди — космонавтлар гарантия муддати битаётган айрим узел ва деталларни юк кемасида келтирилган янгиларига алмаштирдилар.

Бугунги иш тартибига кўра, комплекс ичида экипажни медицина текширувидан ўтказиш, илмий аппаратларни бўлажак экспериментларга тахт қилиб қўйиш кўзда тутилган.

Кўп функционал қайд этувчи «Аэлита» аппарати ёрдами билан тинч туриш шароитларида Виктор Савиних юрагининг биоэлектрик активлиги текшириб чиқилади. Владимир Жонибеков кеча шу текширувлардан ўтиб бўлди.

Бугун иккала космонавт бажарадиган яна битта медицина экспериментининг мақсади велоэргометр ва «Югурувчи йўлка» да ўтказилувчи жисмоний машқлар турли режимлари самарадорлигига баҳо беришдан иборатдир.

Экипаж кун мобайнида стационар ва кўчма съемка аппаратларини, шу жумладан, МКФ — 6 М ва Кате — 140 фотокамераларини кўздан кечиради ва уларни ишлатиб кўради.

Медицина контроли маълумотлари ҳамда радио орқали сўзлашув натижаларига кўра, Владимир Жонибеков билан Виктор Савинихнинг соғлиги ва кайфияти яхши.

Киши бошқарадиган комплекс учиши нормал ўтмоқда.

Чет элларда

Ўзбекистон чет элликлар нигоҳида

ЭШИТГАН БОШҚА, КЎРГАН БОШҚА

Яқинда Мисрдаги «Ал-Аҳром» нашриётининг раҳбарларидан бири Салоҳ АЛ-ҲАМРИЙ республикамиз меҳмони бўлди. Мисрлик меҳмон Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда янги қурилишлари билан танишди, жамоатчилик вакиллари билан учрашиб суҳбатлашди. Мухбиримиз билан суҳбатда у ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— «Ал-Аҳром» фирмаси Мисрдаги етакчи нашриётлардан биридир. Биз, ана шу фирманинг вакиллари жаҳондаги кўпгина мамлакатлар билан алоқа ўрнатганмиз ва ўз мамлакатимизда уларнинг вақтли нашрларини кенг тарқатишга ҳаракат қиламиз. «Ал-Аҳром»нинг Бутуниттифоқ «Международная книга» бирлашмаси билан ҳамкорлик қилаётганига 20 йилдан ошди. Мисрлик журналхонлар Совет Иттифоқида чиқаётган адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналларни, шу жумладан Тошкентда нашр қилинаётган «Совет Ўзбекистони» журналини мунтазам ўқиб борадилар. Мисрдагилар Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётини ончалик яхши билмайдилар. Шунинг учун ҳам «Совет Ўзбекистони» журнали улар учун кенг маълумот берувчи энг яхши манбадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, менинг ватандошларим Совет Ўрта Осиёси республикаларига, уларнинг экономикада ва маданий ҳаётда эришган ютуқларига жуда катта қизиқиш билан қарайдилар.

Мен Тошкентда юз берган ажойиб ўзгаришлар билан танишдим. Учрашув, суҳбатлардан жуда илиқ таассуротлар олдим. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, унинг ажойиб музейларида бўлиб, янги олам кашф этгандай бўлдим. Кўрганларим кутганимдан минг чандон зиёда бўлди. Эшитган бошқа, кўрган бошқа, деб айтишлари бежиз эмас. Мен Тошкентга келгунимга қадар республикангизни яхши билсам керак, деб ўйлардим. Афсуски, яхши билмас эканман. Тошкент, энг аввало, ўзининг озодалиги билан мени ҳайратга солди. Гарчи у қадимий шаҳар бўлса ҳам СССРдаги барча халқларнинг ёрдами билан янада ёшариб кетибди. Унинг турли бурчакларида бўлдим. Бироқ, 1966 йилги даҳшатли зилзиладан асар ҳам қолмаганлигининг гувоҳи бўлдим.

Мен Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг концертида бўлдим. Хонандалар, халқ ва балет рақси усталарининг, муғанниларнинг чиқишларини завқ билан томоша қилдим. Ўзбек артистларининг юксак ижрочилик санъатига қойил қолдим.

Пионер ва ўқувчилар саройидаги учрашувлар менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Бу ерда болалар бўш вақтларини жуда кўнгилли ва хушчақчақ ўтказишаркан. Улар ўқишдан кейин Пионерлар саройига келиб турли тўгаракларда қатнашиб, хилма-хил касбларни ўрганишаркан. Мен радиотехника, космонавтика, ўзбек халқ музикаси ва рақслари билан қизиқувчи болалар даврасида бўлдим. Уларнинг миллий кийимларда рақсга тушишларини томоша қилдим. Ўзбек халқ миллий чолғу асбоби — доирада болалар классик ва замонавий куйларни мароқ билан ижро этдилар. Атлас кўйлак кийган қизчалар ажойиб рақсга тушдилар.

Тасвирий ва амалий санъат музейи Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси билан танишганимдан кейин мен ўзбек халқининг юксак маданиятидан баҳра олдим. Виставка павильонларига қўйилган замонавий машиналар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётидан гувоҳлик бериб турибди. Улар орасида ажойиб экскаваторлар, пахта териш машиналари, тракторлар, тўқимачилик ва бошқа машиналар бор.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, мен Ўзбекистонда бўлиб, жуда кўп янги ва муҳим нарсаларни билиб олдим. Бугина эмас, мен совет кишиларининг тинч бунёдкорлик меҳнатининг гувоҳи бўлдим. Улар дунёдаги барча халқлар билан тинчлик ва дўстликда яшашга интилиб меҳнат қилмоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

1 июль куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети оқсоқоллар кенгашларининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби масалалари муҳокама этилди.

Бу масалалар юзасидан Иттифоқ Советининг Раиси Л. Н. Толкунов ва Миллатлар Советининг Раиси А. Э. Восс сўзга чиқдилар. Оқсоқоллар кенгашлари мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшларга касб маҳоратини ўргатишдаги, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун Жиззах область Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз бригадири Исломжон **Абдуллаев;** Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозининг бригадири Ҳавохон **Абдуллаева;** Хоразм область Шовот шаҳридаги Ал-Хоразмий номли ўрта мактаб ўқитувчиси Рўзимбой **Оллаберганов;** Сирдарё областидаги Гулистон тажриба ремонт-механика заводининг бригадири Виктор Петрович **Бочинков;** Андижондаги «Коммунар» механика заводининг бригадири Мухтор Кенжаохунович **Кенжаохунов;** «Ташсельмаш» заводининг вулканизатори Лидия Афанасьевна **Сичева;** Фарғона областидаги Марғилон «Атлас» абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Гулчеҳра **Турғунова;** Бухоро тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси Ольга Ивановна **Черновалова** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми социал таъминот органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун халқ депутатлари Москва район Совети ижроия комитети бўлимининг мудири ўртоқ Жононхон **Марахимовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган социал таъминот ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, областнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлиги учун Наманган область халқ депутатлари Чуст шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Михаил Гиёсович **Фаёзовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

• БЕШИНЧИ ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

• *Мусобақа пешқадамларига тенглашинг!*

ТАШАББУСКОРЛАР ИЎҚЛАМАСИ

БУРЧ

ТЕЛЕФОНДА — ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР БРИГАДАСИ БОШЛИҒИ, II, III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНЛАРИ НИШОНДОРИ ДМИТРИЙ АТАМАНОВ:

— Аввало, қўнғироқ қилганингиз учун раҳмат. Ишларим жойида. Кўрсаткичларим яхши. Лекин ҳаммаси ҳақида телефонда батафсил сўзлаш имкони йўқ. Шунинг учун энг асосий гапларимни айтиб қўяқолай. Қўлимда кундалик иш натижаларимни ёзиб борадиган дафтарчам. Ундан ҳозир сизга партиямизнинг XXVII съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ўн кунликнинг ўтган тўрт ўн кунлигида амалга оширган ишларимиз тафсилотини ўқиб бераман.

Илгари участкамизда пахта териш машиналари рамасини пайвандлаш билан ҳар бири 7-8 кишилик уч бригада машғул бўларди. Лекин иш жараёнлари охирида бу уч бригада эришган натижа уч хил бўлиб чиқарди.

Съезд шарафига бошланган зарбдор ўн кунликлар бошида биз бу ишни янгича ташкил этишга киришдик. Масалани «Ҳар бир коллектив ўз ишининг пировард натижасини аниқ кўра билсин ва унинг учун юксак масъулият билан жавоб берсин» деган тарзда қўйдик. Бунинг учун ҳар бир коллектив тўла тугалланган технология жараёнида ишлаши керак эди. Биз уч бригадани бирлаштириб, битта бригада туздик. Унинг ҳар бир аъзоси участкада амалга ошириладиган иш жараёнларининг ҳаммасини бемалол мустақил бажариб кета оладиган даражада ўзлаштириб олишди. Яқинда шу иш усулимиз натижаларини сарҳисоб қилиб кўрдик. Илгари уч бригада бажарган иш сифати ўртача 3,5 баллга тенг келган бўлса, ҳозир 4,2 баллга чиқди.

Пахтакорлар герметик жиҳозланган кабинали терим машиналари ишлаб чиқарилишини кўпдан буён орзиқиб кутишади. Бу иш қанчалик мураккаб бўлмасин, уни тез фурсат ичида ҳал этиш биз, машинасозлар учун бурч. Шу боиски, корхонамизда ҳозир қизғин ҳозирлик ишлари кетяпти. 700 та янги технология жараёнлари ишлаб чиқилиши, 900 бирликдаги ҳар хил ускуналар лойиҳалаштирилиши ва тайёрланиши кутилмоқда. Айрим иш участкалари, жумладан, бизнинг цехимиз ҳам реконструкция қилиниши кўзда тутиляпти. Хуллас, 1986 йилнинг январь ойидан бошлаб, машина корхона бош конвейерида туриши керак.

Мен ана шу масъулиятталаб ишга ўз шахсий ҳиссамни қўшиш йўлларини ўйлаб қўйдим. Зиммамга янги кабинали терим машиналари учун пайвандланган янги рамалар конструкциясини тўла ўзлаштириб олиш мажбуриятини қабул қилдим.

ХИРМОН ТЎЛИБ, ТЎКИЛДИ ДОН

Ғаллакорлар ҳаётида энг долзарб, энг масъулиятли дамлар бошланди. Бу йилги об-ҳавонинг қулай келиши, ғаллакорларнинг мардона меҳнати туфайли далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа ана шу мўл ҳосилни мисқолини нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва сифатини бузмаган ҳолда давлат омборларига топширишдан иборат. Буни қалбдан ҳис қилган Ховос районидаги «Ховос» совхози миришкорлари мавсумга пухта ҳозирлик кўрдилар. Урим-йиғимда ишлатиладиган барча техника воситалари пухта шайланиб, экипажлар малакали механизаторлар билан комплектланди. Шу туфайли ғалла ўримининг дастлабки кунларида юқори самарадорликка эришилмоқда. Айни кунларда совхоз далаларида 43 та комбайн юксак унум билан ишлатиляпти. Кунига 230—235 тонна сара дон қабул пунктларига топширилмоқда. Комбайнчилар ўртасида авж олиб кетган меҳнат беллашувида моҳир механизатор Баҳодир Худойбердиев пешқадамликни қўлдан бермаётир. Суратларда: илғор комбайнчи Б. Худойбердиев (чапда) ва ғалла ўрими тасвирланган.

Ж. Тўраев фотолари.

КЎНГИЛЛИЛАР ОЛДИНДА

ҚЎРИҚ ЛАВҲАЛАРИ

Будённий номли совхозда гап тарқалди:

— Абдураҳмон Қаршининг бийдай чўлига кетибди.

— Тағин, қаерга денг? Гектаридан аранг 7 центнердан ҳосил кўтарган энг қолоқ хўжаликка.

Тўғри, Абдураҳмон Сурхон — Шеробод чўлларида бунёд этилган обод жойларни ташлаб, чўлга келмаслиги ҳам мумкин эди. Ҳамқишлоқлари ўртасида иззат-ҳурмати яхши, обрўси жойида. У машҳур механизатор Хўжамқул Рустамовнинг тўғишган укаси. Олий маълумотли агроном, Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори. Ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан «оқ олтин» етиштириб, воҳада донг таратган пахтакор.

ҚАЛБ АМРИ

Ўшанда қиш чилласи эди. Район марказига борган, Абдужалил акаси Абдураҳмонни излаб ўйидан тополмагач, далага йўл олди. Акаси далани кўздан кечириб юрган экан.

— Ака, эшитдингизми, ҳамқишлоқларимиздан бир гуруҳи Қарши даштига отланибди, — деди у. — Биз ҳам бормаймизми?

— Маслаҳатлашиб кўрамиз — жавоб қилди акаси.

Шу куни Рустамовлар оиласида қариндош-уруғлар тўпланишди. Абдураҳмон гапни чўлдан бошлаганди, кимдир:

— Ҳамма чўл бир чўл-да. Бунинг устига Қарши даштининг ер шароити бизникидан анча оғир, — деб қолди.

— Юрагида ўти бор киши ишнинг оғирига қараб ўтирмайди, — деди Абдужалил.

— Борамиз, — дейишди унинг сўзларини маъқуллаб укалари Ҳасан, Абдуқаюм, Чоривойлар ҳам.

Орадан кўп ўтмай, Рустамовларнинг кўч-кўрони ортилган юк машиналари қумбарҳанлар оралаб, қўшни областга келди. Машинадан турнақатор кўркам турар жой, ям-яшил дарахтларга кўзи тушган чўлқуварлар ҳайратланиб қолишди.

— Бу жойларнинг қаери чўл? Жаннатнинг ўзи-ку, — дея акасига савол назари билан қаради Абдуқаюм.

— Чўл ўзлаштирилиб бўлинган, — деди Абдужалил жилмайиб. — Ер ҳам, сув ҳам, турар жой ҳам бор. Фақат ҳосилдорлик кам. Биз уни кўтаришимиз керак.

МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Рустамовлар келиб жойлашган «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози 1984 йилда пландаги 4800 тонна ўрнига 1310 тонна пахта топшириб, йиллик планни атиги 22 процент бажарганди. Бунинг асосий сабаби пахтачиликдаги мавжуд резервлардан тадбиркорлик билан фойдаланилмаганлиги, деҳқончилик маданияти пасайиб кетганлигида эди.

Янги кўчиб келганларга 310 гектарли агроучасткани беришди. Меҳнатда суяги қотган чўлқуварлар, аввало, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор беришди. Ерга минерал ва маҳаллий ўғит солиниб, чуқур ҳайдалди. Баҳорда 6 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида экиш қисқа муддатда ва юқори сифатли ўтказилди.

Чўлқуварлар тадбир ишлатиб Сурхондарёда ўзини оқлаган пуштага экиш усулини қўллашдилар. Ҳамма майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Ягана лаш бир ҳафта ичида тугалланди.

Ғўза парваришида иш сифатига алоҳида эътибор берилди. Абдужалил Рустамов бошлиқ бригадада ғўза қатор ораларига уч марта чуқур ишлов берилди. Ҳар гектар майдонга 150—200 килограммдан азотли ўғит солинди.

Комплекс ишлов намунали ўтказилганлиги туфайли ғўза ривожи ўтган йилдагига нисбатан анча яхши.

МУСОБАҚАДОШЛАР ШИОРИ

«Эртаги, мўл ва сифатли пахта етиштирамиз!» — Чўлқуварлар ана шундай шиор асосида меҳнат қилишмоқда.

— Пахтани барвақт етиштиришнинг фойдаси катта, — дейди илғор бригада бошлиғи Қурбон Абдуллаев. — Ҳалқимизда бир кун эрта эксанг, бир ҳафта эрта йиғиштирасан, деган нақл бор. Биз эртаги пахта етиштириш учун культивация, озиқлантириш ва суғоришни бир-бирига боғлаб олиб боряпмиз.

Ҳақиқатан ҳам 52 гектар майдондаги «108-Ф» нав ғўзанинг авжи баланд. Ҳар гектар майдондан 34 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган заршунослар асосий эътиборни ғўзаларда ҳосил нишоналарини тобора кўпайтиришга қаратмоқдалар.

Бригада етакчиси Қ. Абдуллаев асли Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг Тоғайтемир қишлоғидан. У 1950 йилда қалб амри билан Сурхон — Шеробод чўлларини ўзлаштиришга отланган эди. Қурбон Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Мана, ниҳоят у ўз оиласи билан яна Қашқадарёга кўчиб келди. Укаси Абдураҳмон механизатор, турмуш ўртоғи Ойим Ибодова бригада ишчиси. Илғор сувчилар Жума Қултўраев, Зиёқул Бобонов, Чоршанби Қултўраевлар ғўзани обиҳаётга қондирсалар, Гулнора Абдуллаева, Мария Бойматова каби ишчилар бегона ўтларни йўқотяптилар.

Ҳозирга қадар ғўзаларга уч марта комплекс ишлов берилди. Бу бригада билан мусобақалашган Иброҳим Нуралиев бошлиқ коллектив далаларида ҳам ғўзанинг ривожи яхши.

МЎЛ ҲОСИЛ ИЖОДКОРЛАРИ

Нишон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг барча майдонларида ғўзалар баравж. Ғўза парваришида зарбдор 90 кунлик эълон қилинган. А. Абдуллаев, Б. Нуралиев, Ч. Авазов, Ч. Шокиров, Р. Жапасанов, М. Раҳматов каби механизаторлар ўзлари бошқараётган чопиқ тракторларининг тўла қувват билан ишлашини таъминламоқдалар. Культивация давомида азотли, фосфорли, калийли ўғитлар чиритилган маҳаллий ўғитга аралаштириб ерга солинмоқда.

Ғўзалар оби-тобида суғориляпти. Ҳар ўн гектар ерга битта бош сувчи ва ёрдамчи сувчи бириктирилган. Ғўзани тунда суғоришга алоҳида эътибор берилаётир. Бегона ўт ва ғўза зараркунандаларига қарши кураш кучайтирилмоқда. А. Рустамов, О. Дўстёров, Ҳ. Мейлиев, Т. Шоймардоновлар бошқарувчи бўлган бўлимларда ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мўлжалланмоқда.

— Қалб амри билан Сурхондарёдан 350 хўжалик Қарши чўлига кўчиб келди, — дейди совхоз директори Махмаражаб Дўстёров. — Якунловчи йилда 7000 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганмиз. Шу кунларда амалга оширилаётган барча дала ишлари мўл ҳосил тўплашга қаратилган. Чўлқуварларнинг фидокорна меҳнати туфайли аксарият майдонларда ғўза қийғос гулга кирди.

Ҳа, КПСС XXVII съезди шарафига зарбдорчасига меҳнат қилаётган чўлқуварлар мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

И. ҲИКМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.
М. ҚАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

БУДАПЕШТ. «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракати бешинчи халқаро конгресси Венгрия пойтахтида ўз ишини тугатди. Конгресс ишида дунёдаги кўпгина мамлакатлардан келган 1000 дан кўпроқ врач-олимлар иштирок этди. Анжуманда академик Е. И. Чазов бошчилигидаги Совет делегацияси қатнашди. Таниқли жамоат арбобларининг, машҳур врачларнинг нутқларида бутун инсоният фаровонлиги йўлида ҳамкорликни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ер юзидаги барча тараққийпарвар кучларнинг ғайратини бирлаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

МАНАГУА. Қўшма Штатлар Никарагуадаги революцион жараённи орқага буриб юборишга муваффақ бўла олмайди. Сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, республика президенти Даниэль Ортега шундай деди. У Пуэрто-Рико радиосининг мухбири билан суҳбатда Америка агрессияси хавфи кучаяётган бир пайтда никарагуаликлар ўз сафларини бирлаштириб, империализмнинг янги ҳарбий авантюраларидан ўз ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳозирлик кўраётганликларини таъкидлади. АҚШ бевосита ҳарбий интервенция қилган тақдирда бутун Никарагуа халқи қўлига қурол олиб революция учун жанг қилади, деб уқтирди Никарагуа раҳбари. Қитъа халқлари Никарагуа революцияси билан бирдам бўлиб, Рейган маъмуриятининг террорчилик йўлига қарши чиқмоқдалар, деб таъкидлади Даниэль Ортега.

АММОН. Исроил министрлар кабинети қаттиқ тежамкорлик фавқулодда программасини муҳокама этиш учун шошилинч мажлисга чақирилди. Исроил радиосининг хабар қилишича, программада, жумладан давлат хизматчиларидан 10 минг кишининг ишдан бўшатилиши, озиқ-овқат маҳсулотларига давлат маблағлари қисқартирилиши ҳамда миллий пул бирлиги — шекел яна девальвация қилиниши кўзда тутилади. Программа авторлари ана шундай қаттиқ чоралар ёрдамида пулнинг тобора қадрсизланишини тўхтатишга умид қилмоқдалар. Ўтган йили пулнинг қадрсизланиш сўръатлари 445 процентга етган эди.

Тель-Авив бу йил Қўшма Штатлардан жами тўрт миллиард долларлик ҳарбий иқтисодий ёрдам сўради. Аммо, ана шу долларлар билан бериладиган ёрдам ҳам қўшни араб мамлакатларига қарши ҳарбий авантюралар путурдан кетказган Исроил экономикасини жонлантиришга қодир эмас. Эндиликда Исроил корчалонлари мамлакат бошидан кечираётган кризиснинг бутун оғирлигини меҳнаткашлар елкасига ағдаришга уринмоқдалар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бош министр Перес ишлаб чиққан программанинг амалга оширилиши Исроил меҳнаткашлари реал иш ҳақининг тахминан 30 процент қисқартирилишига олиб келади.

(ТАСС).

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ ҳарбий вакилининг айтишича: Ироқ авиацияси Эроннинг Харк ороли районида «катта денгиз ишонини» маҳв этди.

Бош ҳарбий қўмондонликнинг ахборотига кўра, ўтган кун мобайнида Ироқ қўшинлари душманнинг тўртта ҳужумини даф этиб, Эроннинг 140 дан кўпроқ солдатини сафдан чиқарганлар. Фронтнинг марказий ва жанубий участкаларида Ироқ артиллерияси ҳамда танкларининг ўти билан пиёда аскарларнинг истеҳкомлари ва ўқ-дори омборлари йўқ қилинган.

Эрон артиллерияси Саддиқ ва Аш-Шаҳаби аҳоли пунктларини тўпга тутган.

НИКОСИЯ. (ТАСС). ИРНА ахборот агентлигининг хабар қилишича, Эрон қўшинлари фронтнинг марказий участкасидаги Мандали районида ироқликларнинг мустаҳкамланган позицияларига «яшин тезлигида ҳужум» қилишган. Кучли артиллерия ўти билан мадад бериб турилган ҳужум давомида уч юздан кўпроқ Ироқ солдати ўлдирилган ва яраданган. Душманга талайгина моддий зиён етказилган.

Фронтнинг бошқа участкаларида ўқтин-ўқтин тўп отишмалари давом этиб турди.

ЯНГИЛИКЛАР

ВЕТЕРАНЛАР УЧУН ПАНСИОНАТ

● Молгузар тоғ тизмалари ёнбағирларида ташкил этилган янги пансионат дам олувчиларни қабул қилди. Бу ердаги ям-яшил боғ-роғлар, мусаффо тоғ ҳавоси—нафас олиш аъзолари, юрак-қон томир ва асаб касалликларини даволаш учун қулай шароит яратади. Уруш ва меҳнат ветеранларига аталган пансионатда балчиқ билан даволайдиган ваннолар, даволаш гимнастикаси заллари, физиотерапия кабинетлари бор.

Ҳозир Жиззах областида ўта ихтисослаштирилган физиотерапия касалхонаси, иккита пансионат, область оналар ва болалар уйи, бошқа шифохоналар бор. Ҳар йили уларда ярим миллиондан ортиқ киши ҳордиқ чиқаради ва саломатлигини мустаҳкамлайди.

ЯНГИ ПРОФИЛАКТОРИЙ

● Андижон область сув хўжалиги ходимлари ўз профилакторийсига эга бўлдилар. Шифохона Жанубий Оламушук поселкасида қурилди. Икки ва уч ўринли палаталар, кинотеатр, ўйин майдончаси, чойхона дам олувчилар ихтиёрида. Ҳозирча профилакторий 100 кишини қабул қила олади. Яна бир корпус фойдаланишга топширилганидан кейин дам олувчилар икки баравар кўпаяди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИСИ

● Фарғона химиклари ва нефтчилари истиқомат қиладиган Қиргули микрорайонида «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Шифохона корхонани социалистсодий ривожлантириш планига мувофиқ барпо этилди. Қунига 380 беморни қабул қилишга мўлжалланган тўрт қаватли бинода ихтисослаштирилган кабинетлар кўп.

Қиргулидаги янги поликлиника — беш йиллик бошидан бери Фарғона областида қурилган йигирма олтинчи медицина муассасасидир.

(ЎзТАГ).

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИ

«ҲАР БИР МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИДА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА, МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ ВА ТАРТИБНИ ҲАР ҚАНДАЙ БУЗИШ ҲОЛЛАРИГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗЛИК ВАЗИЯТИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ЗАРУР...»

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

Ичкиликбозликнинг моддий ва маънавий зарарини далиллар билан исботлаб ўтиришга зарурат йўқ.

Бу иллатга қарши кураш жабҳасида ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир кишининг ўз ўрни, конкрет вазифалари ва масъулияти бор. Шу жиҳатдан қараганда, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари олдига ҳам катта талаблар қўйилган.

Шаҳримизда 83 та ошхона, 25 та кафе ва ресторан аҳолига хизмат кўрсатаётир. Эътироф қилиш керак, илгари уларнинг анчагина қисмида арақ, вино ва пиво сотиларди. Кўздан кечаётган айрим кафе, ресторан ва буфетлар эса ичкиликбозлар йиғиладиган жойга айланиб қолганди. Ҳозир эса рухсат қилинган 14 жойдан бошқа умумий овқатланиш корхоналарида спиртли ичимлик билан савдо қилиш қатъиян тақиқланди.

Ресторанларда алкоголли ичимликлар белгиланган соатларда чекланган миқдордагина берилиши қонда тусига киритилди. Аэропорт, темир йўл ва автобус вокзалларидаги, томошахоналар ва дам олиш зоналаридаги ресторан ва кафеларда арақ-вино умуман сотилмайдиган бўлди.

Касаба союз комитети, ҳушёрлик учун кураш жамиятининг трестимизда тузилган ташкилоти аъзолари, халқ назоратчилари умумий овқатланиш тармоқларида белгиланган қоидаларга риоя қилинишини доимо кузатиб боришяпти. Вақтивақти билан текширишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларга чек қўйиш тадбирлари амалга оширилаётир. Юрист-консультант О. Қурбонов бошчилигидаги жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика кенгаши аъзолари, коммунистлар ва комсомоллар, ўртоқлик суди, бутун жамоатчилик ҳушёрлик учун кураш ҳаракатида фаол қатнашмоқда.

Ичкиликбозликка муросасизлик муҳитини яратиш, бу ишда ҳар қандай юз-хотирчилик ва ошна-оғайнигарчиликка, иккиланиш ва лоқайдликка йўл қўймаслик керак. Масалани биз шу тахлитда қўйдик. Тарбиявий ишни кучайтириш билан бирга қонунда белгиланган маъмурий чораларни дадиллик билан қўллаяпмиз. «Шодлик» кафесининг буфет мудири Р. Бобожонов ва ошпаз С. Қўполов, аэропортдаги «Парвоз» ресторани ошпази С. Отаниёзов спиртли ичимликлар истеъмол қилинишининг олдини олиш ўрнига ўзлари ширакайф ҳолда тартибни бузганликлари учун ўртоқлик суди олдида жавоб бердилар, маъмурий жазоландилар. Арақни рюмкада бермай, бутилка билан хўрандаларга тақдим қилган официантка О. Кабирова қаттиқ ҳайфсан олди. Шахсий машинасини маст ҳолда ҳайдаган ошхона ходими М. Раҳимов юз сўм жарима тўлади. Рухсат қилинмаган жойда спиртли ичимлик сотиш ва ичиш фактларига бефарқ қараган айбдорлар жазоланяптилар.

Шуниси диққатга сазоворки, спиртли ичимликлар сотиш камайтирилганлиги планларнинг бажарилишига салбий таъсир қилгани йўқ. Овқатлар ассортиментини кенгайтириш, мева ва сабзавот шарбатлари, чанқоқни босадиган алкоголсиз ичимликлар сотишни кўпайтириш йўли билан планнинг ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Коллективнинг жамоатчи активлар ташаббуси билан ҳушёрлик учун курашни авж олдирганлиги ўз самараларини бермоқда. Кафе ва ресторанларда, жамоат жойларида маст юриш фактлари кескин камайди. Вазифа — бундай шармандали ҳолларга батамом хотима беришдан иборат.

Ичкиликбозлик — ахлоқий бузилиш белгиси, маънавий тубанлик аломати. Бизнинг тушунчамиз шундай. «Ичкиликбозларга орамизда ўрин йўқ!» — бизнинг қатъий позициямиз шу. Ҳушёрликни турмуш тарзимизнинг бузилмас қоидасига айлантириш учун курашаверамиз.

Р. КАРИМОВА,
Урганч умумий овқатланиш трести касаба союз комитетининг раиси, ичкиликбозликка қарши жамиятнинг раиси.

ТЕЗ ВА СОЗ

Уйғурсойда янги уйларга барвақт кўчиб киришмоқда

Шу йил апрель ойида Поп районини ларзага келтирган ер силкинишининг маркази —Уйғурсой посёлкасида навбатдаги икки қаватли уй қуриб битқазилди. Наманган уйсозлик комбинатининг монтажчилари объектни графикдан анча ўзиб, аъло сифат билан топширгандан кейин планда белгиланган сўнгги уйни қуришга киришдилар.

Бу уй—корхона коллективи шу ерда барпо этган бешинчи йиғма уй-жой корпуси бўлади. Бу йил салкам 30 оила квартира олди. Ўтган йилги зилзилада бошпанадан маҳрум бўлган яна 84 оила ҳам наманганликлар қурган панелли уйларга кўчиб ўтди.

— Бу қурилиш учун аъло сифатли деталлар танлаб олинмоқда. Монтаж ва безак ишлари учун Уйғурсойга энг яхши ишчилар юборилди, — дейди комбинат бошлиғи А. Икромов. — Иморатлар ер силкиниши тез-тез бўладиган зонада қурилаётган экан, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмаслигини англаймиз.

Дарҳақиқат, бу ерда ишлаётган кишилар энг яхши фазилатларини намоён қилдилар. Апрель силкиниши рўй берганида уларнинг ҳеч қайсиси ўз иш жойини ташлаб кетмади — улар ўзлари барпо этган уйларнинг сифатли эканлигига ишончлари комил эди. Ер остидаги гулдуроси тингандан кейин улар ҳаммаёқни кўздан кечириб чиқдилар: тайёр уйларгина эмас, балки ҳали монтаж ишлари олиб борилаётган уйлар ҳам шикастланмабди. Шип панелларида ҳатто лойиҳада кўзда тутилган чоклар ҳам ажрамабди, уларнинг устки изоляция қатлами кўчмабди. Тез орада Уйғурсойга келган комбинат бошлиғи, бош инженер Р. Котляревский, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Н. Қаҳҳоров ва бошқа мутахассислар бунга ишонч ҳосил қилдилар. Бу орада эса ишчилар давом этаётган ер силкинишларига эътибор бермай, осойишта ва дадил ҳаракат қилдилар. Тажрибали бинокор Владимир Тарасенконинг монтаж бригадаси бу ерда ўтган йилдан буён меҳнат қилмоқда. Моҳир мастерлар Олег Каракулов, ака-ука Инасер билан Синавер Аетдиновлар ва бошқа монтажчилар аъло даражада ишламоқдалар. Ишчан, малакали бригадир Альберт Ким пардозловчиларга бошчилик қилмоқда. Владимир Морев, Решат Абдужалилов, Валентина Афанасьева, Александр Камоловнинг ишлари бенуқсон. Сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар — ҳар бир киши ўз ишини хафсала билан ва ҳадеб чекавермай сифатли, виждонан бажармоқда. Намангандан барча зарур нарсаларни етказиб бериш пухта йўлга қўйилган. Бу эса графикдан ўзиш имконини бермоқда.

Шаҳар қурувчилари Уйғурсойдаги сўнгги икки қаватли уйни барпо этиб бўлгач, Поп райони марказидаги қурилиш майдонига ўтишлари ҳозирдаёқ маълум бўлиб қолди. Улар бу ерда 48 квартирали уй-жой биносини барпо этадилар. Яна бир худди шундай уй «Узбекқровля» бирлашмаси шаҳарчасида қурилади. Одамлар совуқ тушгунга қадар квартираларга кириб олишлари учун бу ишни ҳам муддатидан илгари бажариш тўғрисида мажбурият қабул қилинди.

Апрель зилзиласи бўлгандан буён мана икки ой вақт ўтди. Шу давр ичида Поп районида ҳозирдаёқ 6 минг квадрат метрдан кўпроқ коммунал уй-жой, 50 дан зиёд якка тартибдаги уйлар, 60 ўринли касалхона барпо этилди. Район марказидаги ишчи ва хизматчиларнинг 140 нафар фарзанди янги болалар боғчасига кўчиб ўтди. Салкам 15 минг квадрат метр шахсий уй-жой капитал ремонт қилинди.

Бироқ коммунал квартиралар ҳамда жамоат биноларининг капитал ва жорий ремонти ҳали ҳам бошланганн йўқ. Тегишли ҳужжатлар кечикаётганлиги ишга ҳалақит қилмоқда, зарур материал ресурслар суст келтирилмоқда. Вақт эса ўтиб бормоқда. Бу ердагилар Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Госстрой каби бир қанча республика идораларидан чаққонроқ ва актив ҳаракат қилишларини кутмоқдалар.

Р. БИЧУРИН,
ЎзТАГ мухбири.

БИНОКОРЛАР ШИЖОАТИ

● Халил Қаюмов бошлиқ қурувчилар бригадаси бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилган эди. Орадан кўп ўтмай улар ишлайдиган Шаҳрисабз районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонинада бу даъват кенг қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Х. Қаюмов бошлиқ бригада аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқиш арафасида турибдилар. Бинокорлар йил бошидан бери кўпгина уй-жой, мактаб, болалар боғчалари ва чорвачилик биноларини қурдилар.

Бригада коллективи бу йил 79.300 сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилишган. Улар айни пайтда райондаги пахта заводида пахта уруғи сақланадиган омбор қуришяпти. Бинокорлар ўтган йиллар ичида «Гулистон» колхозида профилакторий, 900 ўринли клуб, Энгельс номли колхозда ошхона, якка тартибдаги уй-жойлар ва бошқа объектларни қўлдан чиқардилар. Йил охиригача пландан ташқари 100 минг сўмликдан ортиқ иш бажаришга ҳаракат қилаётган бригада аъзолари ўртасида меҳнат беллашуви кенг қулоч ёйган. А. Қаюмов, З. Алимардонов, С. Халилов, Ҳ. Қаюмов, С. Саидов каби ишчилар ҳар куни икки нормадан иш бажараётирлар.

А. ЖАББОРОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ФАН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТДИ:

М. МИРЗАЕВА. Ўзбек халқ достонларида туркумлик. 112 бет. Баҳоси 95 тийин (ўзбек тилида).

Монографияда халқ эпосидаги муҳим ҳодиса—туркумлик ва туркумлаштириш принциплари «Гўрўғли» туркум достонлари мисолида тадқиқ этилган. Туркумликнинг моҳияти, унинг турлари ҳамда халқ достончилигининг ривожланишидаги тутган ўрни каби масалалар устида фикр юритилади.

Р. ИКРОМОВА. Ўзбек тилида отларнинг синтетик аналитик ва функционал формалари. 120 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин (ўзбек тилида).

Китобда ҳозирги ўзбек тилидаги отларнинг нокатегориал формалари, уларнинг ясалиш усуллари бадиий адабиётлардан, шу билан бирга оғзаки нутқдан тўпланган фактик материаллар, лингвистик таҳлил асосида баён қилинган.

З. ДУСИМОВ. Хоразм топонимлари. 104 бет. Баҳоси 85 тийин (ўзбек тилида).

Монографияда кўпгина жой номларининг тарихи ва этимологияси ҳақида фикр юритилиб, топонимларнинг лингвистик хусусиятлари, ясалиш моделлари ва типлари ҳақида гап боради.

И. Я. ТЕМКИНА. Шарқ ҳақидаги рус совет прозасида характерни тасвирлаш проблемалари. 160 бет. Баҳоси 1 сўм 30 тийин (рус тилида).

Монографияда миллий характерни тасвирлаш аспектида рус совет прозасининг Шарқ бадиий маданияти билан ўзаро алоқалари проблемаси, Шарқ ҳамда рус совет прозаси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

У. ТУЙЧИЕВ. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. 376 бет. Баҳоси 3 сўм 30 тийин (ўзбек тилида).

Ўзбек арузининг эволюцияси шеър тузилиши ва шеърщунослигининг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда текширилган. Монографияда арузнинг жаҳон шеър системалари таснифидаги ўрни кўрсатилган, ўрта асрлар арузшунослигининг схематик ва формалистик характери таҳлил қилинган.

А. АЗИМОВ. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг 60 йил давомида СССР халқлари қардош оиласида ривожланиши. 80 бет. Баҳоси 65 тийин (рус тилида).

Монография ўқувчиларни Ўзбекистонда 60 йил давомида КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш тарихи билан таништиради.

Ҳ. С. ТОЖИЕВ. Жиноятларни тергаш устидан прокурор назорати ва муассаса контроли. 184 бет. Баҳоси 2 сўм 20 тийин (рус тилида).

Монографияда суддан олдинги тергов устидан прокурор назорати ва муассаса контроли муносабатлари тадқиқ қилинган.

Е. А. ГОРДИЕНКО. Аномаль ўқувчиларни равон нутққа ўргатишнинг илмий-педагогик асослари. 100 бет. Баҳоси 80 тийин (рус тилида).

Ақлий жиҳатдан ўсмай қолган ўқувчиларни равон ёзма нутққа ўргатишнинг илмий-педагогик асослари монографияда батафсил баён қилинади.

О. С. СОДИҚОВ, А. О. ОХУНОВ, Ш. И. СОЛИҲОВ. Қорақурт заҳари. 168 бет. Баҳоси 1 сўм 80 тийин (рус тилида).

Монографияда қорақурт заҳарининг физик-химиявий хусусиятлари, унинг ферментатив активлиги ҳақида материаллар умумлаштирилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Деформациялашган ядролар хусусияти. 444 бет. Баҳоси 3 сўм 40 тийин (рус тилида).

Монографияда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг СССР Фанлар академияси ядро спектроскопия илмий совети билан ҳамкорликда 1983 йил Хумсонда ядро физикаси бўйича ўтказилган йиғинда ўқилган лекциялар жамланган.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Фарғона районн маркази Водилда фойдаланишга топширилган «Ором» чойхонаси меҳнаткашларнинг севимли масканларидан бўлиб қолди. Миллий услубда бунёд этилган қўш қаватли бино кўркамлиги билан кўзга ташланиб турадн. Чойхона хоналари ганчкорлик гуллари билан безатилган. Отахонлар ёз чилласида чойхонанинг мўътадил ҳавосидан баҳраманд бўлмоқдалар. Суратда: «Ором» чойхонасининг ички кўринишн.

Ш. Олимов фотоси. (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда республикамизда ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида момақалдироқ бўлиши мумкин. Шимолн-шарқдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20—25, кундузн Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 32—37, қолган ерларда 36—41 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади. Шарқдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 21—23, кундузи 38—40 даража иссиқ бўлади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНИБ ҚОЛДИ

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионати иккинчи даврасининг якунловчи ўйинларини ўтказишмоқда. Яна иккитадан учрашув ўтказилгач, Ғарбий ва Шарқий зонада кучли олтиликдан ўрин олган коллективлар аниқланади. Ана шу ўн икки команда олий лигага чиқиш учун курашади. Қолганлар эса биринчи лигадаги мавқеларини сақлашга ҳаракат қиладилар.

Навбатдаги учрашувларда «Даугава» (26 очко) биринчи ўриндаги мавқеини мустаҳкамлади. «Карпат», «Колос», «Динамо» (Бт) командалари ҳам кучлилар сафида. «Котайк», «Металлург», «Динамо» (Ст) ва «Гурия» коллективлари 5—6-ўринларга даъвогарлик қилишмоқда.

Шарқий зонада Хабаровск армиячилари, ЦСКА, «Помир», «Шинник» командалари юқори ўринларни эгаллаб туришибди. «Ротор», «Локомотив», «Пахтакор», «Кузбасс» командаларининг кучли олтиликдан жой олиши сўнгги учрашувлар натижасига боғлиқ.

«Пахтакор» «Шинник» коллективини қабул қилиб (2:2), яна бир қимматли очко йўқотди. Пахтакорчилар 19 очко билан еттинчи ўринда боришмоқда. Жиззахнинг «Звезда» футболчилари ўз майдонларида «Локомотив» командаси (1:1) билан куч синашишди. Энди «Пахтакор» ва «Звезда» командалари охирги ўйинларни сафарда — «Крилья Советов»ҳамда «Ротор» майдонларида ўтказишади.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалиқ министрлиги
АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
1985-1986 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ 1-КУРСИГА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОНОМИЯ — олим —агрономлар тайёрлайди; УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — олим — агрономлар тайёрлайди (ўқиш муддати — 4 йилу 4 ой);

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — инженер—гидротехниклар тайёрлайди;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

ЧОРВАЧИЛИКНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — чорвачилик ишларини механизациялаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди (ўқиш муддати — 5 йил).

КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

агрономия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисосларига — БИОЛОГИЯ (оғзаки), **ХИМИЯ** (оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ** (иншо);

гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация ишларини механизациялаш ва чорвачиликни механизациялаш ихтисосларига — МАТЕМАТИКА (ёзма ва оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки) **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ** (иншо).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ҳунартехника билим юрти ёки ўрта махсус ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирганлар мутахассислигига қараб қуйидаги фанлар бўйича битта кириш имтиҳонини топширадилар: агрономия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисосларига кирувчилар — биология (оғзаки), гидромелиорацияга — физика (оғзаки), қишлоқ хўжалигини механизациялашга — математика (оғзаки).

Имтиҳонни беш баҳога топширганлар кейинги кириш имтиҳонларидан озод қилинади. Агар тўрт ёки уч баҳога топширса қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширадидар.

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган абитуриентлар қабул қилиш қоидасига асосан конкурсдан ўтадилар.

Институтга қабул қилишда танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётган, колхоз, совхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан стипендия тўлаш шарти билан ўқишга юборилган ва СССР Қуролли Қучларидан ўз хизматини ўтаб қайтганларга имтиёзлар берилади.

Ариза институт ректори номига ёзилади.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), институтга топшириш учун характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун), 6 дона фотосурат (бош кийимсиз, 3х4 см. ҳажмида), медицина справкаси (086 У форма).

Паспорт, ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматчилар учун) **ёки рўйхатга олинганлик гувоҳномаси** (чақириқ ёшдаги шахслар учун) **шахсан кўрсатилади.**

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари эса 1 августдан 20 августгача топширилади.

Институт адреси: Андижон область, Андижон район, Куйганёр қишлоғи.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент ҳунар-техника таълими бошқармаси
32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-1986 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмаларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналарининг созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати: ўрта маълумотлилар учун —1 йил, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентн миқдорида пул мукофоти оладилар. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади ҳамда яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди.

Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисоси бўйича 3-4 разряд берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, маълумотн тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй, 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти», 21, 49-автобусларнинг «Нон заводи», 3, 23, 29-трамвайларнинг «Фронтовая кўчаси» бекатлари.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
10 июль соат 12.00 да АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Ўрта мактабни битирганлар, Совет Армияси сафидан ҳарбий хизмат муддатини ўтаб қайтганлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва институтга киришни истаганлар таклиф этилади.

Институт адреси: 700183. Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими (19, 49, 83, 152, 165, 167-автобуслар ва 10, 28, 152, 153-маршрут таксиларининг «Қишлоқ хўжалик институти» бекати).

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Наманганирстрой» трести бошқарувчисининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Иномжон НАБИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отрядининг бўлими коллективи отряд бошлиғи, 1950 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Сиддиқ Усмонович НАЗАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.10 — «Саёҳатчилар клуби». 11.10 —«Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 1-серия. 12.15 — Телефильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.50 — «Бронза қуш». Фильм. 2-серия. 16.55 — Киноочерк. 17.20—«Инсон—замин соҳиби». 18.20 — «Вьетнам санъати». 18.55 — Концерт. 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30—Мультфильм. 19.40 — «Дунё ва ёшлар». 20.20 — «Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30—«Время». 22.05 — Театр ва замон. 23.05 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Қора қўёш». Бадиий фильм. 10.55 — Ўқувчиларнинг СССР космонавт учувчиси В. Жонибеков билан учрашуви. 11.40 — Фильм-концерт. 12.05 — Ж. Свифт. Ижод саҳифалари. 13.05 — «Таътилдаги саргузаштлар». Бадиий фильм. 2-серия. 14.25— Немис тили. 14.55 — Ўсмирлар ижоди. 15.25 — Телефильм. 15.50 — Чавандозлик. СССР чемпионати. 16.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 17.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Акробатика, спорт ва бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. 19.30—Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50— Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 21.20 — «Шарқ фантазияси». 21.30 —«Время». 22.05— «Мингбулоқ чашмалари». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10— Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.55 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.25— Қўғирчоқ фильм. 10.50 — Концерт. 11.25—Телефильм. 12.15 — «Қизил альпинистлар». Бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар. 13.10 ва 18.00—Янгиликлар. 18.15 — «Ўқувчилар бригадасида». 18.45—Болалар командалари ўртасида футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Тб). 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Салмоқли процент. 20.15 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.30—«Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ҳақиқат ва хурофот». 22.35 — «Саҳна санъати усталари». 23.25 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.10 — Москва-II. 18.10 — Биология. 18.40 — «Осетия афсонаси». Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Музикали программа. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

3 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Менинг Ватаним». Кантата. 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 11.15 — «Юность». 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Болалар учун эшиттириш. 16.00 — «Қизил, сариқ, яшил». 19.25 — Ғижжак тароналари. 19.40 — «Миллионлар ленинча университети». 20.50 — Шеърият кечаси. 21.10 — «Қишлоқ оқшомлари». 22.30 — Концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. 05916. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 150. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12